

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Алишер Суёнов 10 йилдирки, "Аммофос-Максам" очик акциядорлик жамияти компрессор станциясига раҳбарлик қилмоқда. Тошкент Давлат техника университетини тамомлаб, узоқ йиллар корхона иқтисодий ва ривожига салмоқли ҳисса кўшиб келган А. Суёновнинг меҳнатлари 2010 йилда "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Ислохотлар жараёнида корхонанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтирди. "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибига киривчи ушбу корхона йилига 217,5 минг тонна фосфорли ўғит ва 400 минг тонна моногидрат сульфат қислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бугунги кунда корхонада 2013-2015 йилларга мўлжалланган бир қатор истиқболли инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Махсулотлар мамлакатимиз эҳтиёжини қондирибгина қолмай, Қозғистон, Украина, Молдова, Руминия, Покистон ва Афғонистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

А. Суёнов раҳбарлик қилаётган компрессор станцияси жамоасининг асосий вазифаси корхона ишлаб чиқариш цехларини сиқилган ҳамда қурилган ҳаво билан узлуксиз таъминлашдан иборат.

Саид ҲАСАНОВ.  
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2014 ЙИЛ 1-ЯРИМ ЙИЛИ ДАВОМИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ЁЙИЛМАСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

2014 йил 12 август 219-сон Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодекси" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 6 августдаги ПҚ-2020-сонли "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2012 йил 10 январдаги 1-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари (капитал қўйилмалар харажатларидан ташқари) ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш ва уларни ҳисобини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек ҳудудий молия органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш Регламенти, Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганда бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги низоми (рўйхат рақами 2080, 2010 йил 23 февраль), Молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 163-сон буйруғи билан тасдиқланган Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ёйилмасида, харажатлар сметаларида ҳамда бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда чегирилайётган (камайтирилайётган) бюджет маблағлари (режали маблағларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми, Тошкент вилояти ҳокимининг 2013 йил 30 декабрдаги 297-сонли "Тошкент вилоятининг 2014 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, шунингдек вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари сўровларини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. 2014 молия йилининг 1-ярим йили учун вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 632-модда) асосан вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 июндаги 178-сонли "2013-2018 йилларда замонвий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар, ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси тўғрисидаги низомига асосан жорий йил давомида бюджет маблағлари олувчиларининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларнинг чегирига (камайтирилган) қисми ҳисобидан йўналтирилган маблағлар бўйича киритилган ўзгартиришлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларида 2014 йилнинг 1-ярим йилиги давомида киритилган ўзгартиришлар 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома ҳамда 11-сон шакл билдириш-номалар расмийлаштирилган санадан бошлаб қўлغا кирган деб ҳисобланади.

6. Мазкур қарор тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси (Д. Ҳажиев) тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминласин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

А. УСМОНОВ.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотлари муваффақиятли амалга оширишда катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан кишлоқ ва сув ҳўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун ватандошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан куйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими"

Насиров Ренат Усманович – "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятининг "Қалмоқир" кон бошқармаси Шарқий карьеры бошлиғи  
Пирматов Рашид Жусанович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятининг муҳандислик маркази раҳбари – бош муҳандис ўринбосари

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан  
Сайдқасимов Эркин – Қўйи Чирчиқ туманидаги "Саид Эркин" фермер бўла-лиги бошлиғи

"Меҳнат шухрати" ордени билан  
Рўзибоев Эргаш – "Нуроний" жам-ғармасининг Бекобод тумани бўлими раиси

"Дўстлик" ордени билан

Исраилов Негмат Саттибаевич – "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамия-ти бош муҳандисининг реконструкция ва модернизациялаш бўйича ўринбосари

"Шухрат" медали билан

(100 ёшдан ошганлар)  
Юсупова Хабиба – Урта Чирчиқ тумани

"Жасорат" медали билан

Абилов Зафар Абдижамилевич – Охангарон туманидаги "Эйвалекмаксусте-мир-бетон" очик акциядорлик жамияти чилангари

"Шухрат" медали билан

Абдусаломов Лазизжон Абдуалиевич – "GD Powertrain – Uzbekistan" акциядор-лик жамиятининг цех устаси

Алматов Одил Турабекович – "Бек-ободцемент" очик акциядорлик жамияти-нинг цех бошлиғи

Закиров Шухрат Фатхуллович – "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акция-

дорлик компаниясининг "Ўзбекистон" ло-комотив депоси "Афросиёб" электропе-езди машинист-мураббийи

Қадиров Ботиржон Абдусатторович – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи катта машинисти

Курбанов Абдусаттар Абдухамидович – "Янги Ангрэн иссиқлик электр станцияси" очик акциядорлик жамиятининг смена бошлиғи

Мирзасайидова Дильшод – Паркент туманидаги "Марказий" маҳалла фуқаро-лар йиғинининг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Рахматиллаев Батиржон Эргашович – "Электртармоққурилиш" очик акциядор-лик жамиятининг Чирчиқ метали тузилма-лар заводи цех бошлиғи

Рузматов Мукаррам Турсунбаевна – "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати" очик акция-дорлик жамиятининг металлургия цехи муҳандис-технологи

Санокүлова Дилбар Жўраевна – Охангарон туманидаги "Гулистон" маҳал-ла фуқаролар йиғинининг диний маъри-фат ва маънавий-ахлоқий тарбия масала-лари бўйича маслаҳатчиси

Тимошук Дмитрий Викторович – "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти бош энергетиги

Шамсутдинов Мухайяр Абдухамидович – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳара-катининг Бекобод тумани кенгаши етакчи муҳассиси

Эрматов Маъруф Нурмаханбатович – "Ўзбекўмир" очик акциядорлик жамия-тининг "Белазўмир" филиали "БелАЗ" ҳайдовчиси

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавақулдада вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонуни-ликни тақомиллаштиришда, фуқаролар эҳтиёжларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда, жамият-да ҳуқуқий маданиятни оширишда ва юқори малакали юридик кадрларни тай-ёрлашда катта ҳиссаси учун фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдир-ланганлар рўйхатида эса куйидаги вилоятдошларимиз бор:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"

Ҳоджаева Мухаббат Мансуровна – Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота тумани суди раиси

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Юсупов Саидслом Сайдуллонович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқарма-си жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

"Мардлик" ордени билан

Якубов Жасуржон Абитджанович – Давлат божхона қўмитасининг Тошкент ви-

лояти божхона бошқармаси контрабанда-га қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Ахмедов Хусан Шавкатович – Тош-кент вилояти қамоққа олинганларни сақ-лаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан проку-рор назорати бўйича Тошкент прокурату-раси

"Шухрат" медали билан

Замитова Лобар Бакировна – Тош-кент вилояти прокурорининг вояга етма-ганлар ҳақидаги қонунлар ижроси усти-дан назорат бўйича ёрдамчиси

Маънавият

## МУСТАҚИЛЛИК – БАХТИМ, САОДАТИМ

Тақдирига Ўзбекистондек ажиб юрт, сер-куёш ўлка, саховатли замин битилган халқимиз бугун ушбу неъматлардан росмана баҳраманд бўлиб яшаш бахти насиб этган истиқлолнинг 23 йиллигини кенг нишонлаш арафасида.

Шу кунларда таърифу тавсифи бекиёс муста-қиллик неъматларига шукроналик, ўзликни англаш бахтидан мас-рурлик ҳар бир ватан-дошимиз қалбини чуқур ҳаяжонга солган. Бу бе-жиз эмас. Зеро, ўтган жуда қисқа, аммо олам-шумул эврилишлар да-врида бутун бўё басти билан жаҳонга юз тут-ган Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти ошқора тан олмоқда. Илло, бу сўз-ларни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни ҳаёт-нинг ўзи тасдиқлаб ту-рибди. Келинг, буни хо-лис ниятли, софқўнгли одамлардан эшитай-лик...

(Давоми 2-бетда).

## ЖОНИМ ВАТАН, ШАЪНИМ ВАТАН, КЎЗИМ ВАТАН



Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас туپроқ. Камолот сари етакловчи, ҳаётга маъно-мазмун бахш этувчи табарруқ замин. Ота-боболаримиздан, аждодлардан авлодларга қоладиган бебаҳо мерос.

Зеро, Президентимиз айт-ганларидек: "Инсон ўзлигини англаш, насл-қасбини бил-гани сари юрагидан Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб

боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чек-сиз бўлади".

(Давоми 4-бетда).

Огоҳлик

## ЮРТДА КЕЗАР БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ҳар тонг мусаффо ҳаводан нафас оларканман, чор-ат-рофдаги сокинлик, сайроқи кушларнинг хуш навоиси ан-войи гулларнинг ажиб иси кай-фиятимни янада кўтариб юб-

Бу мусаффо осмон, ҳавасли тўю томоша-ларнинг гувоҳи бўл-моқдамиз.

Лекин, бир нарса-ни асло унутмаслиги-миз кераки, ҳар би-римиз бу фаровон кунларнинг қадрига етишимиз, тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлашимиз шарт. Зеро, хонадон-

ларимизнинг осо-йишталиги, Ватани-миз осуда ва кела-жамиз янада мунав-вар бўлиши фақат ва фақат ўзимизга бог-лик.

Халқимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз – мустақиллигимиз-нинг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш

арафасида. Элим, юртим деган замон-дошимиз борки, бай-рамга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қил-моқда. Биз шу шоди-ёналар кўтаринки кай-фиятда ўтиши учун ҳаммишамиз ва огоҳ бўлишимиз лозим.

Муваффақиятлари-мизнинг асл моҳияти ҳам шу омиллارга боглик.

Мархабо ҚУРБОНОВА, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори, Пискент тумани.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз-ни муносиб кутиб олиш мақсади-да бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг "Обод" маҳалламизда ҳам қизгин тайёргарлик ишлари кўри-либ, турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

## ОБОДЛИК ОРАСТАЛАР

Жумладан, яқинда ҳудудимиздаги "Ораста қизлар давраси" тўғараги қатнашчилари, "Камолот" ёшлар иж-тимоий ҳаракати аъзолари томонидан ўтказилган "Фарзандлари соғлом юр-тинг келажаги буюқдир!" тадбирида маҳалланинг барча кексага ёшлари жамулжам бўлди.

Унда мустақиллик йилларида ёшларга яратилган шарт-шароит-лар хусусида атрофлича сўз юритил-ди. Истеъдодли ёшлар овоз ва обод Ватанин мадҳ этувчи шеърлар ўқиб, куй-қўшиқлар ижро этишди. Шунинг-дек, югуриш, арқон тортиш, тўп улоқ-тириш каби спорт мусобақалари ҳам уюштирилди.

Тадбир якунида фаол иштирокчи-ларга фахрий ёрликлар, ҳомийлар-нинг эсдалик совғалари топширилди, "Ораста хонадоннинг ораста қизи" йўналиши голиблари Сарвиноз Со-пилова ва Моҳичехра Холматова ҳам муносиб тақдирланди. Жажжи бола-жонлар билан сўзлашди.

Гавҳар ШАРИПОВА, Зангиота тумани, Қатортол қишлоғи.

Маънавият

МУСТАҚИЛЛИК – БАХТИМ, САОДАТИМ

Аммо, бизнинг Сурхондарё ҳам кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Яқинда бир ажойиб дам олиш маскани бунёд этилди. Қарангки, иқлими жуда иссиқ, ҳавоси қуруқ деяр эфирроф этиладиган Термизимизнинг суви, қайноқ куми инсон саломатлиги учун жуда фойдали экан. Биз томонларда ҳам, нафақат ўзбекистонлик, балки чет элликлар дам олиб, саломатлигини тиклаб кетишапти. Нимасини айтасиз, ҳатто Тошкентдан ҳам боришапти дам олишга...

Аёлнинг самимий сўзларида ўз юрти, Ватанига меҳр-муҳаббат, фахр, гурур туйғулари акс этиб турибди. Унга ҳурматим ортди. Беихтиёр буғун ар-талаб ўқиганим, мамлакатимиз раҳбарининг Термиз шаҳрини "Амир Темур" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони кўз олдимга келди. "Бу олдиёғина аёлнинг ушбу фармондан хабари бўлдимикан?" деган хаёлда сўрадим. Янгиликдан унинг кўзлари чакнаб кетди. Демак, яхшиликнинг қадрини биладиган одамлар кўп орамизда. Аслида, буларни кўрмаслик, ҳис этмасликнинг ўзи гуноҳ...

Вилоятимизнинг энг чека кишлоқларидаги бирида яшайдиган жиянимизга кекса холамизни кўришга

(Давоми. Боши 1-бетда).

бордим. Кейинги пайларда киефаси ўзгариб, замонавийлик касб этаётган худудларимиз кўп. Аммо, шундоқкина тоғ ён бағрида жойлашган Янгиобода бунёд этилган ажойиб иншоот – мусиқа мактаби билан кайфиятимни кўтариб юборди. – Қандай чиройли манзара, – дедим жиянимга. – Сенинг саранжом, сарашта хонадонингга, яшайдиган кўнчанга ҳам ўзгача фазил бағишлабди бу бино. – Нимасини айтасиз, – дейди у мамнулик билан. – Энди танишларимга уйимиз шаҳарчадаги энг чиройли бинолардан бири – мусиқа мактаби ёнида. Бемалол топа оласиз, – дейман.

Бу йил ўғлим Мирсоат мактабини тамомлаб, радиотехника коллежига ўқишга кирди. Миллий мусиқа санъатига ҳам қизиқди. Мусиқа мактабидан таралётган садо-ларга эътибор бериб, қайси куй чалинаётганини айтиб туради... Албатта, бундай ўзгарилар, бунёдкорлик ишлари мустақил диёримиз бўйлаб кенг қулоч ёйган. Замонавий уй-жойлар, кенг кўчалар, яшиллик бурканган, беҳисоб фавворалар оғушидаги соя-салқин масканлар мустақил ўзбекистонда эмин-эркин яшашга гайрат-шижоатли, бунёдкор халқимиз

учун муносиб тўхфа. Ахир халқи учун жон фидо қиладиган, тинчлигини ўйлаб, туну кун заҳмат чекадиган Юртбошини бор эл шунга муносиб-да!

Бобокалонимиз Амир Темур ҳам "Биз ўз салтанатимизни одамларга яхшилик қилиш, уларни ҳимоя этиш асосига қураётимиз", деган эди. Тарихчи олим, ёзувчи Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ҳам улуғ Амир Темур бобомизнинг шундай сўзлари келтирилган: "Давлат уйимиз яхшилик билан бино бўлса, анга ҳеч киши зарар еткура олмайди. Ва ул йағочким (дархат маъносиди) адл ва эҳсондан сув ичса камронлик мевасини бергай". (П. Қодиров, "Амир Темур сиймоси").

Таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимизнинг илк йилларида қадалган эзгулик уруғи 23 йил давомиди униб-ўсиб, адолат, меҳр-мурувват, оқибат сувини ичиб, илдизлари мустақкам, гуркираган дарахтга айланди. Унинг шохларида тинчлик-омонлик, фаровонлик, барқарорлик мевалари пишиб етилди. Лекин, истиқлол аталмиш ҳаёт дарахтининг униб ўсиши осон кечмагани ҳам унутмаслигимиз керак. Уни бевақт бало-қазолардан, совуқ шамоллардан, ёвуз ният-нигоҳлардан асрашнинг ўзи бўлмади. Шу

ўринда халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сатрларини келтирмаймиз: *Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас, Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас,*

*Каторингда ботирларнинг бўлсин оғмас, Гуркираган Алпомишлар ўтган тупроқ, Иншааллоҳ!*

Мустақилликнинг илк йилларидаги инсонпарварлик тамойиллари устувор давлат сиёсати, иқтисодий ва ижтимоий, халқ таълими, соғлиқни сақлаш борасидаги қўламли ишлар хотлар йилдан-йилга ўз самарасини бера бошлади. Тўғри, ҳар қандай янгиликнинг бошланиши осон кечмайди. Тараққиётнинг ўзбекистонга модели йилдан-йилга сайқалланиб, ўзини оқлади, охири уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳам тан олди, ўрганишни ихтиёр этди. Яхши от ҳовлиқмай, аста-секин чопиши ҳам бор гап аслида. Барқарор тараққиёт йўлидан бораётган жамиятимизга, мустақил ўзбекистонга ҳавас билан, баъзи муҳолифларимиз ҳасад билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас. Мустақиллигимизнинг энг бебаҳо неъматини – тинчликнинг, фаровон ҳаётимизнинг кўз қорачигидек асраш энди ҳар бир илмининг муқаддас бурчимиз. Зеро, дунёдаги

манамен деган кудратли давлатлар учун тансиқлашиб бораётган обрў-этибор, юксак маънавият, тинчликни сақлай олиш фазилати Ўзбекистоннинг қаддини тобора юксакларга кўтармоқда.

Шу ўринда кекса мурабий, ёзувчи Эркин Ғуломовнинг сўзларини келтиришни жоиз топдим: "Замон тинчлик. Хотиржам ва соғ-саломат ҳаёт кечираётганимизнинг ўзи катта бахт. Йўлини топиб, ақлидрок билан ишлаган одамга ҳамма нарса бор. Ҳашаматли уйлар, тўйхоналар, обод ва равон кўчалар, сон-саноксиз энгил машиналар. Ҳатто талабаларнинг... машина ҳайдаб ўқишга бориши, ҳаммаларида кўл телефон, устлари бут, кийимлар башанг. Кўриб фақат қувонасан, киши. Гоҳо ёшлигини эслаб хўрсиниб ҳам қўясан... Дарҳақиқат, шундай юртни, эзгу ниятли раҳбарларнинг доно сиёсати, саяё-ҳаракатларини бир тану бир жон бўлиб қўлаш, яхшиликни юзага чиқариш ҳам бир фазилатдир.

*Эл қўласин энди бу юрт эгасин, Истагим – у ҳеч кимга бош эгмасин. Адл бўйи бастига кўз тегмасин, Шу юрт учун қўкси қалқон ўзбекман.*

**Сайёра РИХСИЕВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Август кенгаши



КОМИЛЛИККА ЕТАКЛОВЧИ КУЧ

Таълим-тарбия инсонни камолотга етакловчи кучдир. У нурафшон келажакни таъминлаши, жамиятни кудратли қилиши ҳам бор гап. Шунинг учун бўлса керак, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.



Вилоятимиздаги 128 та ўрта махус, касб-ҳунар таълими муассасаларида илм ўрганаётган 123 мингдан зиёд ўғил-қиз эл қорига ярашни ният қилганлар. Бунда уларга сабоқ бераётган ўқитувчи, устозлардан катта масъулият талаб этилади. Вилоятимизнинг барча худудларида ўтказилган август кенгаши уларнинг малакасини ошириш, маҳоратларини намоён этишга туртки бўлгани шубҳасиз.

Янгиёул туманидаги технология-иктисодиёт касб-ҳунар коллежидида "Ўрта махус, касб-ҳунар таълими жараёнида педагогларнинг таянч ком-

пентлигини ривожлантириш: таҳлиллар, муаммолар ва ечимлар" мавзусида анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят ўрта-махус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар ўқув-режалаштириш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар, омаллаштиришга тавсия этилган дарсликлар, қўлланмалар, услубий курсатмалар, маъруза матнлари, технологик хариталар хусусида

тўхталдилар. Шунингдек, ўқитувчиларнинг педагогик юктамаларини режалаштириш, директор жамғармасидан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди. Таълим муассасаларида амалга оширилган ижобий ишлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида ўз касбига масъулият билан ёндошаётган педагогларга ҳомиляларни эсдалик совғалари топширилди. **Ирода МАКСУДОВА,** Азамат АХМЕДОВ олган суратлар.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори доирасида Бўстонлик тумани Ҳокимият кишлоғида барча қулайликларга эга 70 ўринли ҳамда Юсуфхона кишлоғида 90 ўринли меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Оқтош" санаторийси таъмирдан сўнг янгича киефа касб этди. Энди бу ерда нафақат кўплаб дам олувчиларни қабул қилиш, балки уларга турли соғломлаштирувчи муолажаларни тақлиф этиш имкони туғилди.

ТУРИСТЛАР УЧУН ЯНГИ МЕҲМОНХОНАЛАР



Дастурга мувофиқ, 30 га яқин меҳмонхона реконструкция-лаш билан бирга 30 дан зиёд янги иншоотларни қуриш кўзда тутилган. Шу иш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар учун дастурда турли имтиёзлар белгиланган.

Қарор вилоятимизнинг туризм салоҳиятини кучайтириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни минтақанинг тарихий-маданий мероси билан кенгроқ таништириш, транспорт-коммунал инфраструктура объектлари мажмуаси ёрдамида Чимён-Чорвоқ рекреация зонасида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига қаратилган билан аҳамиятли, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят бўлими раҳбари Аббор Розихўжаев. – Бунинг замирида дам олиш ва саёҳат билан боғлиқ шарт-шароитларни кенгайтириш, янги йўналишлар очилиш, хизматлар сифатини яхшилаш, шу асосда иш ўринлари ташкил этиш ва вилоят аҳолиси даромадларини ошириш мақсади ётибди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган йили вилоятда туризм соҳасида 22 миллион сўмликдан ортик хизмат кўрсатилди. Қарор ижросига киришилган, 2015 йилга бориб, бу рақам 37 миллион сўмга етиши тахмин қилинапти. Буларга меҳмонхона, санаторий-курорт, туристик-экскурсия ва бошқа хизматлар кирди. Шу йилнинг охирига қадар вилоятимизга 55 минг сайёҳ келиши кутулапти. Дастур доирасидаги ишлар амалга оширилиши натижасида 2015 йилнинг ўзига сайёҳлар оқими салкам 70 мингга боради. Ўтган йилга 6 минг чет эллик турист тақриф буюрган бўлса, келгуси йилнинг ўзида улар сафига яна минг киши қўшилади.

Шунингдек, 15 та тарихий-меъморий ёдгорлик ва қадим-жоларни таъмирлаш, тиклаш кўзда тутилган. 2015 йилга бориб, кўплаб замонавий, дам кўркам меҳмонхоналар, дам

олиш уйлари, кўнгилонар марказлар, сикат-гоҳлар қад ростлайди. Ҳадемай, туристлар табиат қўйнига саёҳатга, Уғом-Чотқол миллий боғи билан таништирувчи экскурсияга тақлиф этилади. Агротуризмни ривожлантириш мақсадида кишлоқ ҳўжалиги махсулотлари намоён этилуви марказ фаолияти йўлга қўйилади. Бўстонлик ва Чиноз туманларида балиқ махсулотлари кўргазмаси, "Чимён-Экстрим" қишки спорт турлари, "Чимён садоси" экологик-саёҳат фестиваллари ўтказилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятимизда 700 га яқин тарихий ёдгорликлар бор экан. Қадимги шаҳар қолдиқлари, петроглифлар, қояларга ўйиб ёзилган битиклар, ибтидоий одамлар яшаган жойлар билан кўпчилик қизиққади. Қимирловчи ва текши тошлар, Ангрэн шаҳри Геолог кишлоғидаги қадимги қабрлар, қончилик ишлари... Биргина Кўлбулоқ археологик ёдгорлигини кўришга бутун дунёдан сайёҳлар келиши мумкин.

– Яқинда иш билан Ўзбекистонга келгандим, – дейди франциялик тадбиркор Клод-Андре. – Шу баҳонада Бўстонликда дам олишга қарор қилдим. Ўзбек миллий таомларини татиб кўриб, хайратда қолдим. Ўзбекларнинг меҳмондўст ва очиқюзлигини таърифлай десам тил оқиз. Экстремал спорт турлари билан шуғулланишга ҳам барча шароитлар яратилган экан. Келгуси сафар бу ерга оилам билан келишни ният қилдим.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили вилоятимизга 51 минг саёҳатчи тақриф буюрган бўлса, бу йил улар оқими 60-70 мингга етиши кутулапти. Хорижий туристлар 3 йил ичида 8 мингга яқинлашган ҳам катта ютуқ бўлади. 2012 йилда вилоятда туристик хизматлардан 22 миллиард 317 миллион сўм даромад кўрилган бўлса, ўтган йили бу рақам 26 миллиард 317 миллион сўмга етди. Қарор доирасидаги ишлар амалга оширилган, 2015 йилда 37 миллиард 400 миллион сўм фойда қўрилиши кутулапти. Яъни, соҳада 1,7 баравар ўсиш башорат қилинмоқда.

**Хуршида ТУРСУНБЕКОВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Тиббиёт

ПЕДАГОГЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Чирчик шаҳрида "Тиббиёт коллежларида малака кичик тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатини оширишнинг самарали йўллари: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечим" мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махус таълим вазирликлари, Ўрта махус, касб-ҳунар таълими маркази ҳам-корчилигида ташкил этилган семинарда тегишли вазирлик ва идоралар, тиббиёт коллежлари масъул ходимлари қатнашди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ишловлар амалга оширилаётгани, соҳа ходимлари, хусусан, тиббиёт коллежлари педагог ходимларининг

касб маҳоратини ошириш, уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 30 июлдаги "Ўрта махус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2012 йил 28 майда қабул қилинган "Малакали пе-

дагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Семинар доирасида мамлакатимиздаги тиббиёт коллежлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари учун йиғилишлар ташкил этилди. **Ў.А.**

Кишлоқ мулкдорлари

НАВБАТ – БОҒДОРЧИЛИК ВА АСАЛАРИЧИЛИККА

Вилоятимизда кўпчилик намуна бўлаётган ҳамжихат оилалар кўп. Янгиёул тумани Ниёзбош кишлоғидаги Рихсибевлар оиласи шуларнинг бири. Тумандагилар бу оилани дехқончилик-

нинг ҳадисини олган дейишади. Оила устани – Фозил Рихсибевни эса: "Ишини кўзи ни бади, бошлаган ишининг удрасидан чиқмай қўймайди" дея эътироф этишади.



Бу бежизга эмас албатта. Ф. Рихсибев рўзғори бут, дастурхонини тўкин бўлиши учун тинмай меҳнат қилди. Мўъжазгина томорқасида иссиқхона барпо этиб, йилда тўрт-беш марта турли кўкат ва резаворлар етишти-ра бошлади. Фойдага мол ва парранда сотиб олиб, кўпайтирди.

Турмуш ўртоғи Туймажон опа билан томорқадан келган даромади ва дехқончиликдаги озми-кўпми тажрибасига таяниб, бундан ўн йилча бурун мустақил фермерлик ҳаракатини бошлади. Ўша кезлар тендердан ютиб олган 10 гектарли чоғроқина хўжаликка "Топил қизи Туймажон" номини бериб, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришди. – Зарур техникаларсиз 10 гектарни уддалаш осон кечма-

зарур агрегатлар жамланмаси ҳам бор. – Бобомнинг "бир сафар тупроқ остида, бир сафар тупроқ устида ҳосил берувчи экин эксанг, ер дам олади ва мўл ҳосил беради" деган гапи дехқончиликдаги илк сабоғимдир, – дейди иш юритувчи Хайрулла Рихсибев. – Шунинг учун ҳам ғалладан бўшаган 16 гектар майдонда картошка ва яна 30 гектар ерда турли хил кўкатлар парваришляпимиз. Аслида, такоррий экин ерга дам бериш билан бирга бозоримиз тўкинлигини ҳам таъминлайди, ҳам кўшимча даромад манбаидир.

Ҳозир фермер хўжалигининг умумий ери 72 гектардан зиёд. Туман шароитида бунчи чоғроқ дейиш ҳам бироз ўринсиздек гўё. Нима бўлганда ҳам фермер ернинг ҳажмига эмас, кўп тармоқликка эътибор қаратаётгани аҳамиятлидир.

– Хўжалиқнинг келажиги кўп тармоқликда, – дейди фермер. – Шуларни ўйлаб, ўтган йили даламиздан оқиб ўтувчи сувнинг 50 метрча келадиган жойини икки тарафдан сым тўр билан тўсиб, амур ва сазан балиқлари чавоқларини ташлади. Кутилмаганда яхшигина даромад бўлди. Бу йил эса 4 сотихча жойда 300 килограмм дўнпешона балиқ етиштирдик.

Хўжалик балиқчиликка кўл ургани боис уни кўп тармоқли қилиб демадик. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор албатта. Чунончи, хўжаликда бундан уч йил аввал ташкил этилган дала шийнонида айни кунларда 4 бош соғин сиғир, 6 та новвос, 19 та қўй, 30 та товук ҳамда 50 дан зиёд гоз ва курчалар боқилмоқда. Бу – хўжалиқнинг 14 аъзосини иссиқ овқат ва қўшимча даромад билан узлуксиз таъминлаш имконини бермоқда. Бундан ташқари, хўжалик қошида битта озик-овқат дўкони, новвойхона ва чойхона ҳам ишлаб турибди. Қолаверса, фермер келгусида имкониятидан келиб чиқиб хўжаликда боғдорчилик ва асаларичиликни йўлга қўймоқчи.

Бугун фермер хўжалиқларини кўп тармоқли қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун давлатимиз барча зарур ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатаётир. Фикримизда, келгусида "Топил қизи Туймажон" фермер хўжалиги янада тараққий этиб, ички имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда чинакам кўп тармоқли хўжаликлардан бирига айланади. **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. **Даврон АХМАД** олган сурат.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги ва Соғлом бола йилига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида кўргазма очилди.

ЭКСПОЗИЦИЯДА ВИЛОЯТИМИЗ КИЎФАСИ

Экспозициядан расом, ҳайкалтарош ва усталарнинг рангтаъбир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ амалии ва безак санъатига доир асарлари ўрин олган. Уларда юртимиз табиатининг турли манзаралари, ноз-неъматлари, Ватанимизнинг машҳур санъат ва маданият арбоблари ҳамда ишлаб чиқаришда танилган турли касб эгалари портретлари, обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, тураржойлар, тарихий ёдгорликлар, турмуш тарзинининг айрим қирралари акс этган. Экспозицияга қўйилган "Ҳожикент", "Ҳожикент манзараси", "Хумсон манзараси", "Чорвоқ оқшоми", "Оқтош", шунингдек, яна беш расом тасвирга туширилган, бир-бирини тўлдирувчи Сижжак ва Сўқоққа бағишланган асарлар ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Очилиш маросимидаги давра сўхбатларида яратилаётган ижод эркинлиги, халқаро маданий-маърифий алоқалар, ташкил этилаётган кўргазмаларнинг ижодкорлар маҳорати юксалишидаги аҳамияти, ёшларнинг ўсишига эътибор қаратилаётгани ҳақида фикр юритилди.

Кўргазма намойиши 15 сентябргача давом этади.  
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

2014 йил – Соғлом бола йили

ДАСТУР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Янгийул туманида ташкил этилган мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг август ҳисобот шўъба йи-

гилиши "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан қилинган ишларга қаратилди.

– Туманда 24 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, унда 260 педагог ходим ишлаяпти. Шундан 20 нафар фаол педагог ходимимизга вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрликлари топширилди, – деди мактабгача таълим ишлари бўйича услубчи Венера Умархўжаева.

Тадбир сўнгига иштирокчилар янги ўқув йилига тайёргарлик ҳамда бошқа муҳим вазифаларни белгилаб олишди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.  
Еркебой БОТИРОВ  
олган сурат.



Анжуман

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлиминининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

КАМЧИЛИКЛАР ЙЎҚ ЭМАС



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Экоҳаракат фаоллари, эколог олимлар, экология ва табибёт соҳасида фаолият юритаётган нодавлат ношжорат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда бўлимининг ўтган йиллардаги фаолияти, 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури лойиҳаси, Экоҳаракат низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида ҳудудий бўлимида фаолиятида йилдан-йилга ижобий натижаларга эришиш билан бирга баъзи нуқсонларга йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, баъзи аъзоларда фаоллик етишмагани сабабли бир неча дастурий вазифалар охиригача бажарилмагани, айрим тадбирлар эса самарасиз ўтгани қайд этилди.

Конференция якунида бўлимида фаолиятини жонлантириш мақсадида кенгаш таркибига ўзгартириш киритилди. Шу куннинг ўзида янги таркибдаги кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Хуришда НАЗАРОВА.  
Қобилжон ҒОФУРОВ  
олган сурат.

Олов – тилсиз ёв

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида соҳага оид қонун-қоидаларни тушунириш ва уларга қатъий риоя қилиш хусусида уchrашувлар ташкил этишяпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот олиб борилмоқда. Бундан мақсад – ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини кенг жалб қилишда иборат. Зеро, тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, қорхона, муассасасига бевосита тааллуқлидир.

Ўт балосидан сақланиш учун очик алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларни доимо соғ холда тутиш, қўлбола ускуналардан фойдаланмаслик, фақат белгиланган жойларда чекиш талаб этилади. Шунда ҳар бир фуқаро йилдаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Ҳадемай куз келиб, кунлар совishi билан қорондиларни иситиш бошланади. Қўлбаб фуқаролар қўлга газ ва электр ускуналаридан фойдаланишга ҳаракат қилиб, нафақат уйлари, балки ҳаётларини ҳам хавф остига қўядилар. Ҳеч ким фарзандларини ёнғин оқибатида ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинларидан жудо қиладиган даҳшатли офатдир. Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар кунни содир бўлаётган ёнғинлар неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлаётганини унутмайлик. Агар биз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оғишмай амал қилсак, олов бизнинг фаровон ҳаётимиз учун хизмат қилади.

М. КАРИМОВ,  
24-ҲЕҲХ катта инспектори.

Молия муассасаларида

«САВДОГАРБАНК» КИЧИК БИЗНЕС ТАЯНЧИ

Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари республика иқтисодийнинг «қон томирлари» дея таърифланаётгани бежиз эмас. Таъбир жоиз бўлса, ушбу «қон томирлари»да узлуксиз «оқиб турган» миллий ва чет эл валюталари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайтиши ва ривожланишига, шу орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалиши ва мустақамланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.



Йилнинг етти ойи давомида ажратилган 2 миллиард 58,7 миллион сўм кредит асосан юзга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилди. Чунинчи, хусусий тадбиркор Бахтиёр

он сўм кредитни олиб, сервис хизмати объеклари куриш ва нон ишлаб чиқариш цехини янада кенгайтиришга ишлатдим, – дейди "Локомбо" МЧЖ раҳбари Сайха Умрбоева. "Шербулқ Хондайлик" фермер хўжалиги раҳбари Элвира Султонова чет элдан зотли қорамол келти-

Жумладан, "Савдогарбанк"нинг Газалкент филиали шундай фаол тижорат банкларидан бири. Банк ходимлари бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини вақтида ва керак миқдорда молиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда.

Банк маъмурияти таҳририятга тақдим этган маълумотномада келтирилишича, 2014 йилнинг январь-июль ойларида турли соҳада фаолият юритаётган юридик шахсларга ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 58,7 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Шу жумладан, қартовчаларнинг ривожлантиришига амалий ҳисса қўиш мақсадида мурожаат қилганларга уруғлик сотиб олишлари учун 254,1 миллион сўм, уруғлик галлани қўшимча озиклантириши режа қилган фермер хўжалиқларига 140 миллион сўм, янги мева-ли боғ барпо этишга кирришганларга 53 миллион сўм кредит берилди. Энг муҳими, ушбу маблағлар тўғри ишлатилгани тўғай қўллаб янги иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, "Савдогарбанк"нинг Газалкент филиали шундай фаол тижорат банкларидан бири. Банк ходимлари бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини вақтида ва керак миқдорда молиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда.



Исломобоев банк филиалидан олган 43 миллион сўм кредит ҳисобига айланма маблағларини тўлдириб, фаолиятини кенгайтирди. "Шахризода Шахруза" фермер хўжалиги эса балкичиликни ривожлантириш мақсадида банкнинг 50 миллион сўм кредитидан фойдаланди.

Тумандаги аёл тадбиркорлар "Савдогарбанк" филиали хизматидан, айниқса, миннатдор бўлмоқдалар. 2014 йилнинг 1 август ҳолатига ўн тадбиркор аёл банкнинг 767 миллион сўмлик кредити ҳисобига фаолиятларини янада яхшилаб, ўнлаб янги иш ўринлари очдилар.

риш учун олган 250 миллион сўм кредитидан оқилана фойдаланиб, фаолиятини анча кенгайтиришдан ташқари, қўшимча иш ўринлари яратди.

Шунингдек, банк касбуна қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, шахсий бизнесини бошлашга қарор қилган ўндан зиёд битирувчи 283,5 миллион сўм кредит билан таъминланди ва авазига жойларда қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, шахсий бизнесини бошлашга қарор қилган ўндан зиёд битирувчи 283,5 миллион сўм кредит билан таъминланди ва авазига жойларда қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, шахсий бизнесини бошлашга қарор қилган ўндан зиёд битирувчи 283,5 миллион сўм кредит билан таъминланди ва авазига жойларда қўллаб-қувватламоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

ЭЪЛОНЛАР

"КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ҲУҚУҚСАЙДОГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини яроқли этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСК-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, 1) Бошлангич нархи – 379 280 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7 хонадонларида жойлашган, бино-иншоотнинг умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган, "Саргарошхона ва дўкон биноси, хизматчи бино, қурилуш тартибидан 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 207 454 124 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 67-уй, 10-корпусда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 136,0 кв.м., фойдаланиш майдони 113,07 кв.мдан иборат 10 қаватли бинонинг 1,2 қавати қисмидаги 6-хонадон "Офис биноси" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдорлари 2014 йилнинг 12 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик халка йўли қўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м.ли 4 та бино ва 2 та ховуздан иборат "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси; 5) Бошлангич нархи – 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Амир Темир кўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 4,3 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми бўлган "Машиш хизмат курсатиш" бино-иншоотлари; 6) Бошлангич нархи – 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чангалзор Мавзў қўчаси 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат "Ишлаб чиқариш ҳудудини" бино-иншоотлари; 7) Бошлангич нархи – 1 317 621 680 сўм бўлган, Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 2-ноҳиясида жойлашган, савдо ва хизмат курсатиш мақсадидаги бинолар, 8 та шахобчадан иборат автоустоҳона, 4 автомашинага мўлжалланган автоувиш шахобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 гектар) бинонинг умумий майдони 1081,75 кв.м. ташкил этиб, хозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади; 8) Бошлангич нархи – 107 760 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, "Оқ-қовоқ" қ.ф.й., Оқ-олтин маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 643 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 180,92 кв.м.дан иборат "Дала ховли"; 9) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан,

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Чирчик туманлараро судининг 10.06.2014 йилдаги №5268/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 280 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Енарик к.ф.й. ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,764 га., қурилиш ости майдони 1761,18 кв.м.дан иборат бўлган "Молхона бино ва иншоотлари" бинонинг 10 фойдан кам бўлмаган миқдорда закатал тулини "КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖНИНГ АТИБ "Ипотекка банк"нинг Шайхонтохур филиалидаги ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тулашлари шарт.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги "RAXSAN TRADE" МЧЖ-10-1406/11011, "MAGIC FOODS GROUP" МЧЖ-10-1406/11010, "MEHNAT VA IJT MUXOFAZA" МЧЖ-10-1406/11012, "MABAKANDA TUR PLUS" МЧЖ-10-1406/11016, "MASHG'ULOT VA BIZNES MASLAHAT QURILISH" МЧЖ-10-1406/11009, "SABOGLU PLYUS" МЧЖ-10-1406/11013, "FIDAN STORY SERVICES" МЧЖ-10-1406/11014, "MIRA INTERNATIONAL" МЧЖ-10-1406/1015, "AZIZA AMINA TEX" МЧЖ-10-1406/11027, "RUMIY TRANS" МЧЖ-10-1406/11026, "SNT GROUP" МЧЖ-10-1406/11023, "ALISHER'S GUESTS" МЧЖ-10-1406/11024, "RENT AUTO LUX" МЧЖ-10-1406/11025, "SPUTNIK INSHOT" МЧЖ-10-1406/11022, "MIROBOD MAXSUS QURILISH" МЧЖ-10-1406/11021, "MOON STAR BUSINESS GROUP MCHU" МЧЖ-10-1406/11018, "MUKAMMAL KAMMUNAL TA'MIR" МЧЖ-10-1406/11019, "MAXAN TEXS" МЧЖ-10-1406/11020, "GRANDE LUCRO" МЧЖ-10-1406/11017 ҳўжалик юретишчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор 09.07.2014 йилда қабул қилинди ва унга нисбатан тугатиш ҳаракати бевоситани Мазкур қорхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик давлолари эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида Яққасарой тумани ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Қорхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамгалари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Оқибат (Фалаба) қўчасида жойлашган ҳўжалик ҳисобидидаги қишлоқ ҳўжалигини тўқма ва эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи база "Келес" ДУКнинг архив рақами № 656, кадастр рақами № 11-1101211-0001 бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Оққўдрон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "TOSHKENT LIDER PLUS" (ИНН 301175991) МЧЖнинг устав жағмараси 1 295 000 000 сўмдан 520 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99893) 511-85-41.

Яққасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "AVIA BROK SERVICE GROUP" (ИНН 302107758) МЧЖнинг мулкчилик шакли хусусий қорхонага ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99898) 300-37-97.

Аввал Мировод тумани ТСРҮИ томонидан 31.05.2012 йилда № 005863-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PARS FOOD" МЧЖнинг устав жағмараси 100 943 893 (юз миллион тўққиз юз қирқ уч миң саккиз юз тўқсон уч) сўм 26 тийиндан 53 100 000 (эллик уч миллион юз миң) сўмга камайишини маълум қилади. Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомида 191-10-50 эълон рақами орқали қабул қилинади.

Утеранное свидетельство № 0418668, выданное в 21.06.2003 году средней школой № 188 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Адильовой Ламии Расимовны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"KARITEL" хусусий қурилиш фирмасига тегишли бўлган бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"UNICODE SOLUTIONS" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранную гувхонму № 09-02111 (реестр № 0904188), выданную в 14.12.2012 году на имя ЧП Шайхантахурского района Закировой Шаодат Абдурахмановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси қасаба уюшмаси кўмитасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Оқибат (Фалаба) қўчасида жойлашган ҳўжалик ҳисобидидаги қишлоқ ҳўжалигини тўқма ва эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи база "Келес" ДУКнинг архив рақами № 656, кадастр рақами № 11-1101211-0001 бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Оққўдрон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "TOSHKENT LIDER PLUS" (ИНН 301175991) МЧЖнинг устав жағмараси 1 295 000 000 сўмдан 520 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99893) 511-85-41.

Яққасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "AVIA BROK SERVICE GROUP" (ИНН 302107758) МЧЖнинг мулкчилик шакли хусусий қорхонага ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99898) 300-37-97.

Аввал Мировод тумани ТСРҮИ томонидан 31.05.2012 йилда № 005863-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PARS FOOD" МЧЖнинг устав жағмараси 100 943 893 (юз миллион тўққиз юз қирқ уч миң саккиз юз тўқсон уч) сўм 26 тийиндан 53 100 000 (эллик уч миллион юз миң) сўмга камайишини маълум қилади. Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомида 191-10-50 эълон рақами орқали қабул қилинади.

Утеранное свидетельство № 0418668, выданное в 21.06.2003 году средней школой № 188 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Адильовой Ламии Расимовны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"KARITEL" хусусий қурилиш фирмасига тегишли бўлган бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"UNICODE SOLUTIONS" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранную гувхонму № 09-02111 (реестр № 0904188), выданную в 14.12.2012 году на имя ЧП Шайхантахурского района Закировой Шаодат Абдурахмановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Матбуот анжумани

ҲИСОБ-КИТОБ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий Матбуот марказида Республика Марказий банки пул муомаласини такомиллаштириш ва банк пластик карталаридан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича матбуот анжумани ўтказди.

Таъкидланганидек, республикамизда 12,4 миллиондан зиёд пластик карта муомалага чиқарилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларига 149 миңдан кўпроқ тер-

миналлар ўрнатилган. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Марказий банк "Электрон тижорат тўғрисида" ги қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳасини ишлаб

чиқди. У республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни кўзда тутиб, товар ва хизматлар бўйича тўловлар айланиши - пул айланиши тизимини янада янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

АДОЛАТ — ҲАЁТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши Юқори Чирчиқ туман табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказди.

"Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони" мавзусидаги сайловдаги дастурий ижросини таъминлашга оид ҳисоботда партиянинг беш йил давомида амалга оширган ишлари эътироф этилди.

Худди шундай тадбир Паркент туманида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловдаги бошлангич ташкилотлар иштирокини таъминлаш, кузатувчи, ваколатли вакиллари тайёрлаш, партия тарғиботи, номзодларни қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида сўз борди.

Бугунги ўзбек ёшлари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро маданий-маърифий, илм-фан, спорт соҳасидаги нуфузли тадбирларда қатнашиб, юксак марраларни забт этмоқда.

ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Шу босис, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеП вилоят кенгаши Паркент туманидаги Болалар муқима ва санъат мактабидида "Ёшлар – мустақил Ўзбекистон келажаги" мавзусида тадбир ташкил этди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари, партиянинг вилоят ва тумандаги касб-хуна қоллежлари ўқувчилари, спорт, маданият соҳасида ютуқларга эришган ёш тадбиркорлар, фермерлар, шунингдек, танкилли санъаткорлар, шoir ва ёзувчилар иштирок этишди.

Бугунги кунда ЎзЛиДеП аъзолари бўлган туман ёшлари 520 дан ошди. Йиғилишда партия лойиҳаларида фаол қатнашиб, ўз бизнесини муваффақиятли давом эттираётган бир қатор ёш тадбиркорларга фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# ЖОНИМ ВАТАН, ШАЪНИМ ВАТАН, КЎЗИМ ВАТАН



Ўз даврининг етук адаби, шоир, танкиди таржимон Сидқий Хондайлик тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ деб билган инсон эди. Унинг шеърларида, газалларида она Ватанга беқисс меҳр-муҳаббат нафаси уфурди туради:

Ватан надир, тўқсон ерим,  
тургон ерим,  
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб  
юргон ерим...  
Яна бир шеърда у шундай деб ёзди:  
Жоним Ватан, шаъним Ватан,  
кўзим Ватан,  
(Давоми. Боши 1-бетда).

Эсдан чиқар, они кўргоч,  
кўргон ерим...  
Ушбу сатрларда ҳам алломанинг Ватанига садоқати яққол намоён бўлади. Шундан бўлса керак, у умри мобайнида хурликни мадҳ этиб, озоликни кутиб яшайди.  
Шоир вилоятимизнинг Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғида яшаб ижод этган. Серкира ижодкорнинг кўплаб газаллари, шеърлари, ўткир ҳажвийлари ва насрий асарлари, таржималари кўпчиликлари яхши таниш.  
– Вилоятимизда Ҳожа Аҳрор Валий, Шайх Умар Богистоний, Абу Бакр Шоший, Хўжа Сулаймон Ба-

нокатий, Элбек, Музаяна Алавия каби кўплаб муборак зотлар камолга етиб, тафаккур осмонида сўнмас юлдуз каби инсонлар қалбини илм ва эзгулик нури билан ёритдилар, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Сидқий Хондайлик қий ҳам ана шундай заҳматкаш аждодларимиздан биридир. Муस्ताқиллик туфайли кўплаб буюк ватандошларимиз қатори унинг ҳаёти ва ижоди ҳам қайта кашф этилди, десак хато бўлмайди. Фидойи олимлар, ёзувчилар ҳаракати билан ижодкорнинг кўплаб кўлэмалари нашрдан чиқди.  
Хондайлик билим ва тажрибаларига таяниб, одамларни уч тоифага ажратади: “бутун одам”,

“ярим одам”, “одам ҳисобида бўлмаган одам”. “Бутун одам улдири, ўз ихтиёри ила касбу корга киришур ва тиришур, ярим одам улдури, ўзганинг хошишича касбу корга машғул бўлур. Одам ҳисобида бўлмаган одам на унисига, на бунисига яроқлидир”, деб таъриф берган. Шоир ўз шеърларида қишлоқларни Ватанин севишга, ҳалол меҳнат қилишга, очиққўнғил ва бағрикенг бўлишга чорлаган.  
Истиқлол шарофати билан шоирнинг меросини тиклашга ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Унинг сарялаб тўпланган адабий мероси “Навбахор” номи билан нашр этилди. Хондайлик қишлоғида “Сидқий Хондай-

лиқий боғи” ташкил этилгани эса айниқса қувонарлик.  
Бу йил шоир таваллудига 130 йил тўлди. Сана муносабати билан Хондайлик қишлоғидаги 10-умумтаълим мактабида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти соҳиби Мухаммад Али, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Сирожиiddин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва кўплаб қишлоқ ахли иштирок этди.  
Сўз олганлар Сидқий Хондайликнинг бой маънавий мероси ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, Сидқий газаллари ва таржимонлик фаолиятига алоҳида ургу берилди. Машҳур “Минг бир кеча”, Шероийнинг “Бўстон” асари, “Тазирай Имоми Аъзам”, “Раҳимо-таржуми Каримо” каби ўнлаб таржима асарлари ўзбек адабиётида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмагани таъкидланди.  
Тадбир сўнгида ёш қаламкашлар бобокалонимиз ҳақидаги шеърларини ўқиб эшиттирилди.

**Ирода НОРБОВЕВА,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири,  
**Қобилжон ҒОҒУРОВ**  
олган суратлар.



## Спартакиада

### ФАОЛЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

**Бекобод шаҳридаги “Металлург” ўйингоҳида “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқат сенига бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида “Аёллар спартакиадаси” бўлиб ўтди.**

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, O'zliDer шаҳар кенгаши “Аёллар қаноти” бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шахар кенгаши, соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилган спартакиадада қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар иштирок этди.  
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таълим тизимидаги бошланғич ташкилот етакчиларидан иборат касб-хунар кол-

лежларининг “Сайхун маликалари”, умумтаълим мактаблари, нинг “Сайхун санамлари” жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул котибларидан ташкил топган “Орас-та қизлар” ҳамда тиббиёт бирлашмаси ходимларининг “Ибн Сино издошлари” жамоалари 100, 200 метрга югуриш, 400 метрга эстафета, узунликка сакраш каби шартлар бўйича ўзаро беллашишди.  
Спартакиадада фаол иштирок этган хотин-қизлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.  
**Гулрух МАМАРАСУЛОВА.**

## Ҳаёт сабоқлари

Гулзира ая пири бадавлат аёл. Етти келин тушириб, уйнинг “сири” кўчага чиқмаган эди. Аксига кичик келини бироз “гапчирок” чиқди. Ўзи аслида жуда ораста, қўл-оёғи чаққон, саришта. Қайнота-қайнонасининг хизматини жойига қўяди. Лекин феъли чатоқроқ. Кўп гапирди. Бугун ҳам Гулзира ая шу келинининг гапига ишониб, ҳамсоясининг олдида уятга қолди.

Қайнонасининг қайта-қайта савол беришидан чўчиган келин: “Эшитиб қолдим-да” деди-ю, ортига ўгирилди.  
Сўрида ёлғиз ўзи ўтириб зериккан Гулзира кампир аста ўрнидан кўзгалди. Кир юваётган келинига: “Хозир келаман” деб кўча томон юрди. Ҳамсоясининг дарвозаси ланг очик. Кўлолатиб сув сепилганини кўриб, аянинг ҳаёлидан меҳ-

тадиган бўли турибсиз, айланай. Келган совчилар таянгли жойдан эканми? Сурштириб кўрдингларми?  
Бу гапни эшитиб, она-бола донг қотишди. Ҳеч нимага тушунмаган Саодат ўзига қараб турган қизига: “Боравер” деб имлади.  
– Опоки, нималар деяпсиз, кимга совчи келибди, – деди чой узата туриб.  
– Кимга бўларди, Севинча-да.  
– Ахир қизим ҳали мактабда ўқийди-ку. Совчи деган гап қаердан чиқди,  
– жигибийрон бўлди жувон.  
– Келиним ҳовлида кир юваётган эди. Саодат опанингни уйига совчилар келишибди, эрини ишхонасидан чақирди, бир хабар олсангиз бўлар экан, – дегани учун чиққандим, – деди Гулзира ая бўшашиб.  
Бу гапдан Саодатнинг энсаси қотди.  
– Эрталаб уйга солиқчилар келган эди. Мол-мулк, ер солиқларини тўлаш кераклигини уқтиришди. Ҳаёлимдан чиқиб кетмасин деб, эримнинг ишхонасига телефон қилгандим. Бу гапга келинингни солиқчилар келди деганимни совчилар деб эшитган кўринади.  
Гулзира кампир қўшнисининг сўзларидан дув қизарди. Саодат келинининг гапига ишониб, изза бўлган кампирни кузатаркан қулишини ҳам, куйшини ҳам билмасди.  
**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

## ГАПЧИ КЕЛИН



мон келгани рост экан, деган уй ўтди. Эшикдан кириб келан элётган қўшни кампирни кўриб, Саодат пешвоз чиқди. Барқ уриб очилиб ётган гулзира атрофига қўйилган стулга ўтирган Гулзира кампир узундан-узук фотиҳа қилди. Бир чойнак чой кўтариб келган Севинча: “Илоҳим бахтли бўлгин, қизим” дедида, онасига юзланди.  
– Қуни кеча ўзингиз шу хонадонга келин бўлиб келгандингиз. Вақт бунча елдек ўтмаса, бугун мана, қиз уза-

## ИШДА ИЛҒОР, СПОРТДА ҒОЛИБ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган спартакиада ўтказилди.



“Цементчи” марказий ўйингоҳида ўтган мусобақа натижаларига кўра, минифутбол, 100 метрга югуриш ва стол тенниси бўйича 1-ўринни “Оҳангаронцемент” жамоаси қўлга киритди. Волейболда туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари шох-супанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, шахмат ва милтиқдан ўқ отишда “Эйвалек маҳсул темир бетон” қорхонаси вакиллари тенг келадигани топилмади.  
Мусобақа якунида барча ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.  
**Аваз БЕКОВ.**

## Мустақиллик турнири

### ШАХМАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Қибрай туманидаги вилоят шахмат федерациясида ўтказилган мустақиллик турнири беш кун давом этди. Мусобақада илк бор мактаб остонасига қадм қўядиган жажжи ўғил-қизлар ҳам, спорт устаси ва номзодлари ҳам қатнашди.  
Турнирда вилоятимизнинг турли бурчакларидан келган, етти ёшдан етмиш ёшгача 40 дан зиёд спортчи иштирок этди.  
– Бахслар қизқарли ҳам мусосасиз кечди, – дейди мусобақа бош ҳақами, вилоят шахмат федерацияси бош мураббийи Бахтиёр Холмирзаев. – Улар орасида қизларимиз бор-



лиги ва жуда яхши натижа кўрсатишгани ҳаммамизни қувонтирди.  
Мустақиллик турнирининг бош мукофоти чирчиқлик ўқувчи Олтинбек Собировга насиб этди.  
**Маҳмуд МУРАҲАТОВ**  
олган сурат.

## Жиноятга жазо муқаррар

Халқимизда азал-азалдан оила деб аталмиш мўъжазгина гўшанинг кадрига етиш, асраб-авайлаш фазилатлари муҳассам. Бу муқаддас кўргонга пугур етказмасликка бурчамиз басмўлимиз.

Шу йил 17 июнь кунини жиноят ишлари бўйича вилоят судининг очик суд мажлисида кўрилган жиноий иш тафсилотлари биз юқорида таъкидлаб ўтган муқаддас оила ришталарини сақлаб қолиш эмас, аксинча, уни “ими-жи-ми”да тезроқ ажратиб юбориш мақсадида тил бириктирган гуруҳ қилмишлари хусусида бўлди.  
Таажубки, бу ишга қўл урган кимсалар оқ-қорани таниган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаб келатган, энг ачинарлиси, фуқаролик муносабатларини асраб-авайлаш, оилаларни сақлаш борасида одилона қарорлар чиқариб иш кўриш вазифаси ишониб топши-

рилган – суд ходимларидир. Танишинг: фуқаролик ишлари бўйича Урта Чирчиқ туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи Алий Абиллов, ушбу идоранинг суд мажлиси котибаси лавозимда ишлаб келган Моҳира Тиллабаева ҳамда туман ички ишлар бўлими кўриқлаш бўлимининг милиция сафдори Дониёр Шарипов бу жиноий гуруҳ аъзолари.  
Суд мажлисида қайд этилишича, бу масъул лавозимдаги шахслар бир оиланинг қонуний никоҳини беқор қилиш юзасидан даъво аризасини “ижобий” қаноатлантириб беришга уринишган. Жумладан, суднинг маъму-

рий биносида кўриқчи сифатида ишловчи туман ички ишлар бўлимига қарашли кўриқлаш хизмати ходими Дониёр Шарипов суд мажлиси котибаси лавозимда ишлаб келган Моҳира Тиллабаевага ўз тақлифини билдирганида, котиба бу масала оsonликда ҳал бўлмаганини, раис билан бафуржа маслаҳатлашиши лозимлигини айтди.  
Дониёрнинг тақлифи – яқин дўстининг илтимосига кўра унинг оиласини ажратилш юзасидан ажримни тезлаштириш масаласи эди. Силласи, иш ижобий томонга ҳулласишига умид қилган Дониёр тез орада улар сўраган пулни олиб келишини айтди. Гўёки дўстига «яхшилиқ» қилиш ҳаракатида




## ЗИЛЗИЛА САБАБЧИСИ ВУЛҚОН

Исландиянинг Бардбунга вулкони атрофидаги ҳудудда икки марта зилзила қайд этилди.  
РИА-Новости агентлиги АКШ геология хизмати маълумотларига таяниб, ҳар икки ер силкинишининг ўртача кучи 5 балдан эканини қайд этди. Вулконнинг сеймик фаолиги 16 августдан бунён кузатилмоқда. Ҳудудда факулда ҳолат эълон қилиниб, кутқарувчилар одамларни хавфли минтақадан кўчирдилар, ҳамма йўللар ёпиб қўйилди.  
Илгари ҳам Исландия граждн авиацияси хизмати Бардбунга вулкони ҳудуди осмондаги парвозларни тўхта-тиб қўйган эди.



## ЧИЛИДА ЯНА ЕР СИЛКИНДИ

АКШ геология хизмати Чилининг марказий ҳудудда 6,4 магнитуда куч билан зилзила юз берганини маълум қилди.  
Унинг маркази Асьенда-Ла-Калера шаҳридан 18 километр нарида ва 32 километр ер қаърида жойлашган. Хозирча қурбон бўлганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумот тарқатилмади. Бироқ, маҳаллий оммавий ахборот воситалари уяли телефон алоқаси ҳамда электр таъминотида узиллишлар рўй берётгани ҳақида хабар берди.  
Шу йилнинг апрель ойида ҳам Чилининг шимолий ҳудудда 8,2 магнитуда куч билан зилзила рўй бериб, катта вайронгарчиликларга сабаб бўлганди. Экспертларнинг гапига қараганда, Чили ер плиталари чегарасида жойлашгани учун бундай силкинишлар тез-тез бўлиб туриши табиий ҳол.



## ИРОҚДА КЕТМА-КЕТ ПОРТЛАШ

Киркук шаҳрида кетма-кет учта бомба портлатилган оқибатида камидан 18 киши қурбон бўлди дея, хабар тарқатди Би-би-си курд оммавий ахборот воситалари маълумотига таяниб.  
Халок бўлганлар орасида Курдистоннинг ҳарбийлашган тузилмалари аъзолари ҳам бор. Ироқ армияси “Исллом давлати” жангарилари яқинлашиб қалаётгани боис, Киркукни тарқ этгач, ушбу нефтга бой шаҳар курдлар назорати остига ўтди.  
Шунингдек, шанба кунини ҳам Ироқ разведкасининг Бағдоддаги штаб квартираси ёнида юз берган портлаш натижасида камидан 8 киши ҳаётдан кўз юмди.



## ФУТБОЛ ИШҚИБЗОСИ – ҚОТИЛ

Жазирнинг “Кабилія” футбол клуби жумҳумчиси Альберт Эбоссе ишқибозлар трибунадан отган тошдан қаттиқ жароҳат олиб, вафот этди.  
Sky News тарқатган хабарда айтилишича, ушбу фожиа “Кабилія” ҳамда “УСМ Жазоир” жамоалари мамлакат чемпионати учрашувини ўтказаятганда юз берди. “Кабилія” ўз майдонида рақибига ютқазаятган эди. Бу ҳол ашаддий футбол ишқибозларига ёқмади. Улар ўз эътирозларини майдонга тош улоқтириш орқали намойиш этдилар. Тошлардан бири Эбоссининг бошига тегиб, 24 ёшли камерунлик ҳужумчи ҳушидан кетди. Футболчи “Тез ёрдам” машинасида шифохонага етказилди. Бироқ, врачлар унга ёрдам беролмадилар.  
Мамлакат ички ишлар вазирини Таieb Белаиз Альберт Эбоссининг фожиали ўлими юзасидан тергов бошланганини маълум қилди.

**ЭБОЛА БЕЗАГИ БОЛИВИАГА ЎТДИМИ?**  
Боливияда бир киши Эбола безаги вирусини юқтириб олганлиқда гумон қилиниб, шифохонага ётқизилди.  
Исми ва ёши сир тутилаётган ушбу бемор Африканинг бир қанча шаҳарларида бўлиб қайтганлиги SBS агентлиги томонидан хабар қилинган эди. Шифохонадан маълум қилишларича, беморнинг ҳарорати кутарилиб, кўнгли айниб турибди.  
Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 22 август ҳолатига эълон қилган маълумотда Эбола безаги 1427 кишининг умрига зомин бўлгани қайд этилди.  
**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b></p> <p><b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассис:</p> <p><b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p><b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b></p>	<p>Манзилимиз:</p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилик кўчаси, 32.</p> <p>e-mail: th.tp@mail.ru</p>	<p>Қабулхона:</p> <p>233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).</p> <p>Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар:</p> <p>Шартнома ва эълонлар:</p> <p>Ҳисоб-китоб бўлими:</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).</p> <p>233-12-83, 233-48-08.</p> <p>233-56-03, 233-65-59.</p> <p>233-54-10.</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир</p> <p><b>Сайёра РИХСИЕВА</b></p> <p>Навбатчи</p> <p><b>Наргис ҲАСАНОВА</b></p> <p>Саҳифаловчи</p> <p><b>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</b></p>
---	---	---	--	---	--	---

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Қорхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30.